

ОЛМА ПАЙВАНДАГЛАРИНИНГ ТУРЛИ ХИЛ КҮРСАТКИЧЛАРИ БҮЙИЧА БАҲОЛАШ СИСТЕМАСИ

Шерипбаев Неъматулла Сатимбаевич

**Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик
илемий тадқиқот институти докторанти**

Аннотация:

Мақолада Хоразм вилояти шароитида етиштирилган турли хил ўсиш кучига ега олма пайвандтагларининг ўсиш динамикаси, ўсиш кучи, бир хиллик даражаси ва барглар сони бўйича тадқиқот олиб борилган.

Калит сўзлар: пайвандтаг, ўсиш динамикаси, ўсиш кучи, бир хиллик даражаси, пайвандтаг баландлиги.

Кириш. Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти даврида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни эса хом ашёга бўлган талабини қондириш ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги олдида турган энг муҳим долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда ва республикамиз ҳукумати бу соҳага катта эътибор қаратмоқда.

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудуди қўпгина қишлоқ хўжалик, шу жумладан мева экинларини келиб чиқиш марказларидан бири ҳисобланади. Қадимдан бу ҳудудда ўрик, олхўри, олма, нок, гилос, писта, бодом, ёнғоқ, узум сингари мева экинларининг, қимматли маҳаллий навлари сақланиб қолган.

Мевачилик қишлоқ хўжалигининг мураккаб ва кўп қиррали соҳаси ҳисобланади. Мева ва резавор мева экинлари турли тупроқ, иқлим ва агротехника шароитида ўстирилиб, уларнинг меваси турли мақсадларда янгилигича, қутилган ва қайта ишланган ҳолларда фойдаланилади.

Боғдорчилик ва узумчиликни жадаллаштириш деганда кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулотни иложи борича камроқ сарф харажат билан олиш тушунилади. Бу жараённи ҳал қилишнинг ҳар хил йўллари бор.

Жумладан, парваришилашни яхшилаш йўли билан ҳосилдорликни ва унинг сифатини яхшилаш, илғор агротехника тадбирларини жорий қилиш, сифатли кўчатлар ишлаб чиқариш ва ҳоказо. Аввало сифатли кўчат ишлаб чиқариш пайвандтакка ҳам боғлиқ, пайвандтаг боғ қилинадиган ҳудудга мос бўлиши айни мақсадга мувофиқ бўлади. Шўрланган ҳудудларга мос пайвандтагларни танлаш, уларни ўсиш динамикаси ва ривожланиши ўрганиб борилади.

Олма пайвандтаглари хилма-хил бўлиб, улар ўсиш кучи, хар-хил омилларга чидамлилиги ва турли хил шароитларга мослашиши билан ажралиб туради. Пайвандтагларни танлаш узоқ муддатли мева етиштиришнинг муҳим омилидир, чунки у интенсив боғларни яратиш ва мева сифатини яхшилаш имконини беради (5).

Тадқиқотлар Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба станциясида «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишида ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (Х.Буриев, Н.Енилеев ва б.) методикаси бўйича олиб борилди. С.А. Остроухованинг “Мевали ва резавор-мевали экинлар қўчатларини етиштириш бўйича услубий қўрсатма”си (1983). **Пайвандтагларнинг ўсиш кучи** куртак пайванд қилишдан олдин визуал аниқланади ва балларда ифодаланади: кучли ўсиш – 5 балл, яхши – 4, ўртача – 3, кучсиз – 2 ва жуда кучсиз – 1.

Пайвандтагларнинг бир хиллик даражаси куртак пайванд қилишдан олдин аниқланади ва уч балли баҳолашда ифодаланади: юқори бир хиллик – 3 балл, ўртача – 2 ва паст – 1 балл.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра уруғидан кўпаювчи назорат Уруғкўчат пайвандтагининг бўйи 98,0 см ни ташкил этди. Қанд олма пайвандтагининг бўйи 97,0 см ни, назоратга нисбатан бўйининг баландлиги бўйича юқори кўрсаткич Хазорасп пайвандтагида кузатилди(99,5 см).

Ўсиш кучи бўйича барча уруғидан кўпаювчи пайвандтаглар назоратга нисбатан бир хил натижа қайд этди(кучли ўсиш - 5 балл). Бир хиллик даражаси бўйича назорат Уруғкўчат пайвандтаги 2 балл ўртача, Хазорасп ва Қанд олма пайвандтаглари 3 балл юқори бир хиллик системада баҳоланди. Барглар сони бўйича ҳам Хазорасп пайвандтаги назоратга нисбатан юқорироқ натажа қайд этди(1-жадвал).

Вегетатив йўл билан кўпаювчи назорат ММ-106 пайвандтагининг баландлиги 76,7 см, ўсиш кучи 3 балл ўртача, бир хиллик даражаси 3 балл юқори бир хиллик ва барглар сони 120 донани ташкил этди.

ММ-111 пайвандтаги баландлиги 81,5 см ни, ўсиш кучи бўйича 4 балл яхши, бир хиллик даражаси назорат пайвандтаг билан бир хил яъни 3 балл юқори бир хилликни ташкил этди. Барглар сони бўйича назоратга нисбатан юқори бўлди 126 дона.

Назоратга нисбатан юқори кўрсаткич ММ-104 пайвандтагида кузатилди. Пайвандтаг баландлиги 87,0 см ни, ўсиш кучи бўйича 4 балл яхши, бир хиллик



даражаси назорат пайвандтаг билан бир хил 3 балл юқори бир хилликни ташкил қилди. Барглар сони бўйича ҳам юқори кўрсаткич 132 донани ташкил этди.

**1-жадвал. Хоразм вилоятида экилган турли хил олма
пайвандтагларининг ўсиш динамикаси ва баҳолаш системаси (2023 й.)**

Пайвандтаг тури	баландлиги, см	ўсиш кучи, балл	бир хиллик даражаси, балл	барглар сони, дона
Уруғидан қўпаювчи пайвандтаг				
Уруғкўчат (наз.)	98,0	5	2	146
Хазорасп	99,5	5	3	151
Қанд олма	97,0	5	3	148
Вегетатив йўл билан қўпаювчи пайвандтаг				
ММ-106 (наз.)	76,7	3	3	120
ММ-111	81,5	4	3	126
ММ-104	87,0	4	3	132

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки Хоразм вилояти тупроқ шароитида ўстирилган пайвандтагларнинг ўсиш динамикаси, ўсиш кучи ва бир хиллик даражаси бўйича уруғидан қўпаювчи пайвандтагларнинг кўрсаткичлари вегетатив йўл билан қўпаювчи пайвандтагларга қараганда яхшироқ натижа қайд этди. Ушбу худуднинг тупроқ-иқлим шароитларига мослиги учун ҳам бу пайвандтагларнинг кўрсаткичлари юқори бўлди деган хulosага келишимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алферов В.А, Шафоростова Н.К, Урсалов В.Е. Подвой - важный резерв повышения продуктивности яблони // Садоводство и виноградарство. – 2001. -№ 5. – С. 13-14.
2. Чупрынин А.Ю. Агробиологическая оценка сортово-подвойных комбинаций яблони и элементов технологии в питомнике: автореф. дис. ... канд с.-х. наук: 06.01.07. - Мичуринск - наукоград РФ, 2009. – 19 с.
3. Tworkoski T, Fazio G, Glenn D.M. Apple rootstock resistance to drought // Scientia Horticulturae. - 2016. – Vol. 204. - P. 70-78.
4. Алферов В.А, Шафоростова Н.К, Урсалов В.Е. Подвой - важный резерв повышения продуктивности яблони // Садоводство и виноградарство. –



2001. -№ 5. – C. 13-14.

5. Gregory P.J, Atkinson C.J, Bengough A.G, Else M.A, Fernández-Fernández F, Harrison R.J, Schmidt S. Contributions of roots and rootstocks to sustainable, intensified crop production // Journal of experimental botany. – 2013. – Vol. 64, № 5. P. 1209-1222.

